



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 84 (13.931)

Баҳоси эркин нарҳда

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май куни электротехника саноатини ривожлантириш, соҳада ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ҳаёт сифати ўсиши билан аҳоли орасида ва иқтисодий тармоқларида электротехника маҳсулотларига талаб тобора ошиб бормоқда. Жаҳон миқёсида бундай товарлар экспорти ҳажми 2 триллион 500 миллиард доллардан ошиб, йилига 10 фоиз ўсиш кузатишмоқда.

Бу соҳа мамлакатимиз иқтисодийтида алоҳида ўринга эга. Ички бозор, муассаса ва хонадонлар юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминланган. Ўтган йили, масалан, тармоқ корхоналарида 2 мингдан ортиқ турдаги 9 триллион 600 миллиард сўмлик товарлар ишлаб чиқарилган.

Шу билан бирга, соҳага кенг шароитлар яратилганига қарамай, катта миқдорда электротехника буюмлари импорт қилинапти. Минтақа бозорига эса мамлакатимизнинг экспорт улуши етарли эмас.

Йиғилишда экспорт-импорт конъюнктурасини ўрганиш асосида электротехника саноатини ривожлантириш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. "Ўзэлтехсаноат" уюшмасига 2022 йилгача ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар ошириш ҳисобига импортнинг оптималлаштириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз бунинг учун хом ашёни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар

ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Ҳозирда мисдан тайёрланаётган маҳсулотларнинг 50 фоиздан кўпроги оддий симдан иборат. Шунинг учун қайта ишлаб, мис трубкалар, интернет ва алоқа кабеллари тайёрланса, жаҳон бозорига қимматроқ сотилади. Машиий техника, қурилиш, саноат ва медицина учун зарур асбоб-ускуналар ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш борасида ҳам салоҳият етарли экани қайд этилди.

Маҳсулотлар экспортида транспорт харажатларини камайтириш зарурлиги таъкидланди. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кўламини кенгайтириш, уларнинг таннархини камайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Ишлаб чиқаришда қўланилаётган кўпгина эҳтиёт қисмлар импорт қилинаётгани, бу таннархнинг қимматлашигига олиб келаётгани кўрсатиб ўтилди. Музлаштириш ва иситиш ускуналари, компьютер техникаси, мобил алоқа воситалари, қуёш панеллари ва бошқа юқори технология маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш орқали юртимиз корхоналарининг ички бозордаги ўрнини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодий ва саноат вазирлиги, "Ўзэлтехсаноат" уюшмасига янги маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Юртимиз маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда барқарор талабни шакллантириш, давлат харидлари ва саноат кооперациясидан кенг фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, қурилиш, энергетика, ахборот ва коммуникация технологиялари, автомобил-созлик каби тармоқларда ички кооперацияни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий бозорларга кириб бориш учун ташқи ҳамкорликни ҳам ривожлантириш муҳим. Шу боис жаҳонга машҳур брендлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулотларни халқаро стандартлар асосида сертификатлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Ишлаб чиқарувчиларга яратилган шароитлар таҳлил қилинар экан, бу борада эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутиши қайд этилди. "Навоий" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналарида янги лойиҳаларни жойлаштириш, "Термиз" эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди. Тармоқни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар учун қўлай шароит яратиш мақсадида замонавий инфраструктурага эга электротехника технопарклари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда берилган топшириқлар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда телекоммуникация инфраструктурасини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича қўрилётган комплекс ташкилий-техник чоралар телекоммуникация хизматларининг сифатини яхшилаш ва турларини ошириш, шу жумладан, мобил алоқа қамровини кенгайтиришга имкон бермоқда.

Шу билан бирга, олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреацион ҳудудларда, магистрал автомобиль ва темир йўллари бўйида телекоммуникация инфраструктурасини, шунингдек, Интернет тармоғига симсиз кенг қамрови улаштириш тармоқларини ривожлантириш суръатлари етарли эмас.

Телекоммуникация тармоқларини жадал ривожлантиришга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, электрон давлат хизматларининг оммабошлигини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда рақамли иқтисодийнинг ривожланиши учун зарур инфраструктурани яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки: телекоммуникация тармоқлари, қурилмалари, воситалари ва объектлари, операторлар ва провайдерларнинг мобил алоқа базавий станциялари, шу жумладан, ижарага берувчиларнинг ҳудудларида ижара асосида ўрнатилган станциялар (кейинги ўринларда – телекоммуникация объектлари) мулкчилик шаклидан қатъи назар, **муҳандислик-коммуникация инфраструктураси объектлари** ҳисобланади;

муҳандислик-коммуникация инфраструктураси объектлари, шу жумладан, кабель каналлацияси, паст токи кабель шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфраструктуралар билан таъминланмаган жамоат, саноат, турар жой, маъмурий бинолар ва иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилмайди, лойиҳа-смета ҳужжатлари 2019 йил 1 июлгача тасдиқланган бинолар ва иншоотлар бундан мустасно;

телекоммуникация объектларини кўчириш, қайта ўрнатиш, шунингдек, уларнинг фаолиятига учинчи шахслар томонидан ҳар қандай аралашуш юзага келган муаммоларни ҳал этишнинг бошқа имкониятлари мавжуд бўлмаган ҳоллардагина ҳамда **фақат мазкур объектларнинг эгаси билан келишилган ҳолда** амалга оширилади. Бунда телекоммуникация операторлари ва провайдерларнинг телекоммуникация объектларини кўчириш ёки қайта ўрнатиш, уларни соғлаш ишларини амалга ошириш бўйича харажатлари мазкур ўзгаришларнинг ташаббусқори томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади;

бинода яшовчилардан телекоммуникация хизматларини тақдим этишга ариза мавжуд бўлганда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари телекоммуникация операторлари ва провайдерларига бино ичида телекоммуникация тармоқларини паст токи кабел шахталари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфраструктуралардан беғараз асосда фойдаланган ҳолда ўтказишни рад этишга ёки тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар, мобил алоқа база станцияларини ўрнатиш бундан мустасно.

2. 2019 йил 1 августдан шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат-хусусий шериклик шартларида олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган бюджет ташкилотлари учун телекоммуникация инфраструктурасини яратишни таъминлаган телекоммуникация операторлари ва провайдерларига, мобил алоқа операторларидан ташқари, 10 йил давомида қўйидагилар кафолатланади:

уларнинг хизматларидан олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари фойдаланиши;

"Ўзбектелеком" АК томонидан Интернет тармоғига кириш хизматини улаштириш жойидан қатъи назар ягона тариф бўйича тақдим этилиши;

олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари томонидан мазкур ташкилотларга, шунингдек, ушбу ҳудуддаги аҳоли ва бошқа юридик шахсларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган телекоммуникация воситаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфраструктураларни беғараз асосда тақдим этиш;

(Давоми 2-бетда)

КЎРГАЗМА ИККИ ДАВЛАТ ТАДБИРКОРЛАРИНИ БИРЛАШТИРДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Агро, озиқ-овқат саноати ва халқ истеъмоли маҳсулотлари" (EXPO-CONTRACT FOODS&GOODS-2019) биринчи Ўзбекистон – Россия халқаро кўргазмаси бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Россия Федерацияси Думаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки давлатнинг бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналари, савдо тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари агрокластерлари ўз имкониятларини намойиш этмоқда.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тобора ўсиб бораётгани, бу эса мамлакатимиз озиқ-овқат, текстиль, савдо, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалар ривожига ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Уч кунга мўлжалланган ушбу кўргазма амалий аҳамият касб этиб, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилишига қўмақлашди.

Бугунги талаб ва истаклардан келиб чиқиб, бозорларни ўрганиш жараёнида агросаноат ўсиши, биринчи навбатда, нафақат экспорт салоҳияти, балки икки давлат раҳ-

барларининг келишувлари асосида яратилган мазкур соҳадаги янги тенденциялар билан боғлиқдир. Айнан шундай имкониятлар негизда агро, озиқ-овқат саноати, халқ истеъмоли маҳсулотлари, хизмат кўрсатиш, текстиль соҳалари йўтуқларини тақдим этиш орқали икки томонлама савдо айланишини янги босқичга олиб чиқиш ҳам ташкилотчиларнинг асосий мақсадига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан мен каби яқка тартибдаги тадбиркорларга катта қўлайликлар яратилди, – деди тошкентлик хунарманд Ориф Шермухаммедов. – Бу имконият сабаб "Тошкент" савдо марказидан жой олиб, ишимизни давом эттиряялмиз. Фаолиятимизни 1994 йилда бошлаганимиз. Биз теридан эркак ва аёллар пальтолари, бош кийимлари тикамиз. Бугунги кўргазмада шитирок этишдан мақсад маҳсулотларимизни экспортга йўналтиришга эришишдир.

(Давоми 2-бетда)

Эътироф



ТОШКЕНТ – НЕМИС АРХИТЕКТОРИ НИҒОҲИДА

Замонавий Тошкент ҳақида сўз борар экан, пойтахтнинг ўзига хос меъморчилиги шаҳар маданий тараққиётининг муҳим белгиси ҳисобланишини қайд этиш керак. Буларнинг бари асрий тамаддунинг ажралмас қисми сифатида икки минг икки юз йилдан зиёд тарихий-маданий меросга асосланади.

Германиялик меъмор Петер Кнох Тошкент архитектурасини ана шундай нигоҳ билан кўради. Петер Кнох Берлин санъат академияси стипендиаси соҳиби. У бугунги кунда "Спектрум" халқаро инжиниринг компаниялари гуруҳининг Берлиндаги офисини бошқаради. Шу билан бирга, Петер дунё шаҳарлари меъморчилиги бўйича туркум китоблар муаллифи ҳамдир. "Спектрум" ҳомийлигида нашр этилган "Тошкент – немис архитектори нигоҳида" китоб-альбому эса унинг навбатдаги ижодий иши.

Пойтахтимиздаги Гёте институтинида мазкур китоб тақдими бўлиб ўтди. Унда "Спектрум" ва меъморчилик соҳасида фаолият олиб бораётган маҳаллий компаниялар вакиллари, талабалар иштирок этди. Китоб-альбомга сўзбошини таниқли меъмор Александр Куранов ёзган. Китобда шаҳар меъморчилигининг тарихий даврлари ва бугунги аъёнлари ҳақида сўз боради. Ундан Тошкент обидалари харитаси ҳам ўрин олган.

– Тошкент меъморчилиги тарихи ва бугунги бағишланган китоб яратиш ғояси "Tashkent city" лойиҳаси бўйича ҳамкорлик бошлаганимизда туғилган, – дей-

ди "Спектрум" бош директори Владимир Иванов. – Бугун ана шу ғоя амалга ошди. Тошкент гўзал шаҳар, унинг ўзига хос жозибаси бутун жаҳонни мафтун этган.

Китоб-альбомда Хазрати Имом (Хастимом) мажмуаси, Қўқалдош мадрасаси, Ўзбекистон амалий санъат музейи, Рим-католик чerkови, Ўзбекистон давлат академик Катта театри, Тошкент курантлари каби меъморчилик намуналари бор салобати, кўрки билан намён бўлган.

– Тошкент – мафтункор шаҳар. Биз суратга олиш жараёнида юксак меъморчилик ютуқларини жо этган бинолар кўлигидан уларни танлаб олишга қийналдик, – дейди Петер Кнох. – Улар шаҳар меъморчилиги тарихи, бунёдкорлик услубларининг турли-туманлиги ҳақида сўзлайди. Пойтахтнинг тарихий-меъморчилик билан замонавий шаҳарсозлик уйғунлашиб кетган. Тошкент яна бир нарса билан мени ўзига мафтун қилди – бу унинг яшилликка бурканганидир. Мен жаҳоннинг қўллаб-қувватлаш архитектураси билан танишман. Улар орасида Тошкентдек яшиллик билан уйғунлашган мегаполислар кам.

Малоҳат ХУСАНОВА, ЎЗА мухбири

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида ўтказилаётган "Ташаббус – 2019" кўрик-танловининг виллоят босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловнинг шаҳар ва туманлар босқичида 380 нафардан зиёд тадбиркор, фермер ва хунармандлар орасидан сараланган 59 нафари виллоят босқичига чиқди. Ҳоли ва совриндорлар диллоят, қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

ЖАҲОНДА

● Англияда "Манчестр Сити" футбол клубининг чемпионлик паради бўлиб ўтди. Унда жамоа аъзолари очик автобусда мамлакат кубоги, лига кубоги ҳамда премьер лига чемпионлиги совринини намойиш этган ҳолда кўчалар бўйлаб айланашди. Таъкидлаш жоизки, "Манчестр Сити" битта мавсумда Англия чемпионатидаги барча учта бош соврини қўлга киритган дастлабки жамоадир.

● Германиянинг Мюнхен шаҳрида ҳаво таксиси саноатдан ўтказилди. Массофадан туриб бошқариладиган ушбу ноёб ва қўлай ҳаракат воситасини ишлаб чиқиш учун икки йил вақт сарфланди. Ҳаво таксисига 36 та двигател ўрнатилганлиги таъкидланмоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Шаҳримизда таширф буюрган туристларга янада қўлайлик яратиш, хорижий ва маҳаллий туристларнинг мўлжаллаган манзилларига тез ва осон етиб олишларини таъминлаш мақсадида хорижий меҳмонлар борадиган масканларда ва автомаиестраллар бўйича ўзбек ва инглиз тилларида ахборот берувчи йўл кўрсаткичлари ўрнатишмоқда.

● Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида "Меҳнат муҳофазаси ойлги" доирасида тадбир бўлиб ўтди.

● К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида "Соғлом оила – соғлом жамият" мавзусида маънавий-маърифий тадбир уюштирилади.

● ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кегаши ташаббуси билан "Муқтақиллик –менинг тасаввуримда" номли кўрик-танловнинг Юнусовид туман босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

б) телекоммуникация операторлари ва провайдерларнинг фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган база олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналари учун муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини яратишга йўналтирилган маблағлар суммасига қамайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотлари, улар телекоммуникация тармоқларига уланганидан сўнг, уларнинг бюртмалари бўйича телекоммуникация хизматларидан фойдаланишлари учун зарур маблағларни ажратсин.

3. Белгилансинки: Wi-Fi технологияси бўйича симсиз маълумотлар узатиш учун сигнал қувватидан қатъи назар 2400-2483,5 МГц ва 5000-5999 МГц радиочастота полсаларида эксплуатация йўли ва радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўлов ундирилмади;

давлат кўчмас мулкдан телекоммуникация объектларини ўрнатиш учун фойдаланганлик ижара тўловининг энг кам ставкалари, оширувчи коэффицентларни қўллаган ҳолда, "симли электр алоқаси"дан фойдаланиш мақсади бўйича ставкага тенг миқдорда қўлланилади.

4. Телекоммуникация операторлари ва провайдерлари 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат субдоменида (gov.uz) жойлаштирилган ахборот ресурсларига киришда ишлатиладиган трафик учун ҳақ олмаслик тавсия этилсин.

5. Телекоммуникация операторлари ва провайдерлари 2022 йил 1 январга қадар телекоммуникация объектларини қуриш-монтаж ишларини, радиоэлектрон воситаларни ўрнатиш майдончаларини (жойларини) ўрнатилган тартибда келишадиган сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан параллел равишда амалга оширишга истисно тариқасида рўхсат этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда жамоат, маъмурий, турар жой ва саноат мақсадларидаги бинолар ва иншоотларни лойиҳалашга топшириқларни ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва келишиш босқичларида

мажбурий тартибда қуйидаги талабларни кўзда тутишлар: биноларда телекоммуникация объектларини ўрнатиш учун тегишли майдонлар ва инфратузилмаларни, уларга электр таъминотини келтирган ҳолда, ажратилишини;

бинолар ичида телефония, маълумотлар узатиш ва Интернет тармоқлари, кабель телевидение ва эфир телевидение-ясини жамоавий қабул қилиш тизимлари, шунингдек, "хавфсиз уй" ва қўриқлаш сигналзацияси кабелларини ўтказиш учун паст тоқли кабель шахталари мавжудлигини;

турар жой, жамоат, маъмурий ва саноат ҳудудларида телекоммуникация линияларини ётқириш ва телекоммуникация объектларини (телекоммуникация шкафлари, антенна миноралари, матчталари ва бошқалар) ўрнатиш учун тегишли ер участкалари ажратилишини.

7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

телекоммуникация операторлари ва провайдерлари телекоммуникация объектларини ўрнатишга ҳар тарафлама кўмак берсин, шунингдек, заруратга кўра, уларнинг темир йўллар бўйидаги электр тармоқларига уланшини таъминласин; йўл-транспорт инфратузилмасини қуриш ва капитал таъмирлашда бир вақтда темир йўллари бўйлаб, шунингдек, заруратга кўра, автомобиль йўллари бўйлаб келгусида телекоммуникация операторлари ва провайдерлари ижарага бериш учун телекоммуникация каналзациясини қуришни кўзда тутисин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги: Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой мuddатда телекоммуникация инфратузилмасини яратиш ҳамда олис ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги бюджет ташкилотларга, шунингдек, аҳоли ва ҳўжалик йириувчи субъектларга хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят марказларида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг сервер ҳамда телекоммуникация қурилмаларини замонавий майдончаларда жойлаштириш бўйича хизматлар мажмуасини

тақдим этувчи хостинг ва трафик алмасиш марказларини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталида кенг популяризация ва мобил Интернет қамрови зоналари тўғрисида ҳудудлар кесимидаги маълумотларни чоп этиб борсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг мурожаатлари асосида олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреация зоналарида, магистрал автомобиль ва темир йўллари бўйларида доимий фойдаланиш (ёки узок мuddатли ижара) ҳуқуқида телекоммуникация тармоқларини, шу жумладан, оптик-толали алоқа линияларини, антенна минора ва матчталари ҳамда телекоммуникация объектларини ўрнатиш хоналарини қуриш учун ер участкаларининг ўз вақтида ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда илгор халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда мобил алоқа ва симсиз уланш қурилмаларидан турли частоталардаги электромагнит нурланиши таъсири хавфсизлигининг санитария қоидалари ва меъёрларини қайта кўриб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги "Ўзбекэнерго" АЖ билан биргаликда олис ва қишлоқ аҳоли пунктларида, туристик ва рекреация зоналарида, магистрал автомобиль ва темир йўллар бўйларида қуйидагиларни ўз вақтида таъминлаб борсин:

телекоммуникация операторлари ва провайдерлари мурожаатлари бўйича телекоммуникация объектларини электр тармоқларига улаш; вилоятлар ва туманлар марказларидаги мобил алоқа тармоқлари базавий станцияларини ҳамда телекоммуникация операторлари ва провайдерларининг марказий боғламаларини, телерадио-эшиттириш объектларини электр тармоқларидан ўчирилмайдиган тоифали объектлар қаторига киритиш;

электр тармоқлари таянч устунларига телекоммуникация тармоқларини беғараз асосда ўрнатишга (осишга) рўхсат бериш.

12. 2022 йил 1 январга қадар юридик шахслар томонидан олиб кириладиган телекоммуникация воситалари иловага мувофиқ божхона тўловларини тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Самарқанд, Бўхоро ва Хива шаҳарларидаги туристик объектларда босқичма-босқич, шу жумладан, 2019 йилда давлат-хусусий шериклик шартларида Интернет тармоғидан симсиз фойдаланиш бўйича оммавий нукталарни ташкил этисин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун товарлар (ишлаб, хизматлар)ни харид қилишга техник топшириқларни комплекс экспертизадан ўтказиш ва тегишли ҳулоса беришни улар киритилган санасидан бошлаб икки ҳафта мuddатда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасыга:

илгор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда телекоммуникация объектларини олиб кириш, лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилишда рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш ва қисқартириш;

қонун ҳужжатлари маъмурият қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

16. Маъмурият қарорининг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 22 май

ҚУРИЛИШ ВА ЧАКАНА САВДО СОҲАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йилнинг январь-апрель ойларида Тошкент шаҳрида 4 732,9 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,6 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари ҳажми 996,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 130,1 фоизни ташкил қилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 21,1 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 3 021,1 млрд. сўм ёки 108,8 фоизни (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 63,8 фоиз) ҳамда норасмий сектор 714,9 млрд. сўм ёки 121,6 фоиз (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 15,1 фоиз)ни ташкил этди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Миробод туманида бажарилган бўлиб, шаҳарда бажарилган жами қурилиш ишларининг 15,1 фоизини ташкил этди. Мирзо Улуғбек туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 14,0 фоиз, Юнусобод туманида 13,4 фоиз, Шайхонтоҳур туманида 11,9 фоиз ва Яққасарой туманида 10,1 фоизни кўрсатди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми, яъни 68,2 фоизи қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Фуқаролик объектлари қурилиши ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ҳолда жамига нисбатан 31,8 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг январь-апрель ойида Тошкент шаҳрида 10428,5 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик корхоналар томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 3059,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 128,4 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 6215,2 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,0 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 2669,5 млрд. сўм ёки 107,4 фоизни ҳамда норасмий сектор 3545,6 млрд. сўм ёки 108,5 фоизни ташкил этди. Туманлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Чилонзор (17,0 фоиз), Шайхонтоҳур (11,5 фоиз), Юнусобод (11,2 фоиз) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТИЗИМИДА ШАФФОФЛИК ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қондалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги принципини таъминлаш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, мутахассислар, илмий ходимлар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига доир ҳисоб-тоб тингланди, ташкилот ахборот хизматидаги иш режалари кўриб чиқилди, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ билан янги, самарали алоқа ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди.

Биз расмий сайтими (www.pppda.uz) ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимиз орқали "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекис-

тон Республикасининг қонуни моҳиятини кенг тарғиб қилмоқдамиз, — дейди Агентлик ахборот хизмати раҳбари Азиз Каттаев. — Сайтими 6 июльдан иборат. Унда ташкилот ҳақидаги маълумотлар, янгиликлар, лойиҳалар, тендер эълонлари ва бошқа муҳим масалалар бўйича ахборотлар ўзбек, рус, инглиз тилларида бериб борилади. Бундан ташқари интервьюлар, кўрсатувлар, эшиттиришлар тайёрлаш, матбуот анжуманлари, брифинг, пресс-тур каби тадбирлар ташкил этиш орқали агентлик фаолияти ва "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонунини кенг тарғиб қилиш ниятида.

Инобат АҲАТОВА

БЕЛОРУССИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТДА

Белорусь Республикасининг Первомайский райони "Собиқ вояга етмаган фашизм зулми тутқунлари Белоруссия ассоциацияси" номли жамоат бирлашмаси ташкилоти раиси Г.Эмушконинг "Нуроний" жамғармаси Республика бошқарувида йўллаган хатига биноан бир гуруҳ белоруссиялик меҳмонлар Тошкент шаҳрига ташриф буюришди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида фашист концлагерлари тутқунларидан ташкил топган 15 кишилик делегация аъзолари меҳмонлар пойтахтининг кўзга кўринган жойларига саёҳат қилишди. Делегация аъзолари атоқли белорусь шоири Якуб Колас шарафига бунёд этилган майдонга келиб, ҳайкал пойига гуллар қўйишди. Биродарлик қабристонини, Мустақиллик майдонини, Мотамсаро она ҳайкали, 1966 йилги Тошкент зилзиласи ўчоғига ўрнатилган ёдгорликни зиёрат қилишди.

Миробод туманида жойлашган Тарас Шевченко номидаги 110-умумтаълим мактабидан икки қардош халқлар ўртасида бўлиб ўтган уч авлод учрашуви иштирокчиларда катта таассурот қол-

дирди. Мактаб ўқитувчилари ва мураббийлар, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва туманлардан ташриф буюрган белорусь миллатига мансуб Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими фаоллари ҳамда мамлакатимиздаги Белорусь элчихонасининг дипломатлари иштирок этишди.

Хотира ва Қадрлаш куни, галаба, тинчликни тараннум этувчи қўшиқлар меҳмонлар ва мактаб ўқувчилари ижросида янгради. Бундан ташқари, "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимида меҳмонлар шарафига тадбир ташкил этилди. Унда Белоруссияда жанг қилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари фронт орти меҳнат қилганлар,

жамғарманинг туман бўлими раислари ва фахрийлар, "Буви-жонлар мактаби" фаоллари иштирок этишди. Йиғилганлар уруш йиллари хотиралари билан ўртоқлашди. Тадбирда белоруссиялик меҳмонлар ўзларининг "Мен соҳраним память о войне" ва "Финский капкан" китоблари тақдирини ўтказишди.

Илк бор Ўзбекистон пойтахтига келиб, ўзбеклар билан ҳамсуҳбат бўлган меҳмонлар халқимизнинг меҳмондўстлиги, самимиетига ва Ўзбекистон ҳақида эшитган илиқ гаплар айни ҳақиқат эканлигига иқдор бўлишди.

Дилором ХОТАМОВА, "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими матбуот котиби

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев мамлакатимизга келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Словакия Республикаси ташқи ва Европа ишлари вазири Мирослав Лайчак бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Словакия Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик, хусусан, парламентларо алоқалар, Ўзбекистон ва ЕХТ муносабатлари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда катта салоҳиятга эга. Бунда қонун ижодкорлиги фаолиятини ўрганиш ва тажриба алмашиш бўйича парламентларо ҳамкорликни ривожлантириш муҳим ўрин тутди.

Учрашува меҳмонлар Ўзбекистонда туб ўзгаришларни амалга оширишни кўзда тутадиган Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган ислохотларга қўри баҳо берди.

Хозирги кунда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеясида Ўзбекистоннинг доимий делегацияси фаолият кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, қонун ижодкорлиги, парламентаризм соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчи офиси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу офис ўз лойиҳалари орқали мамлакатимизда хавфсизлик, иқтисодий-ижтимоий ва экологик муассасаларнинг институционал имкониятларини кенгайтиришга техник қўмак кўрсатмоқда. 2007 – 2017 йилларда умумий қиймати 12 миллион евродан зиёд 150 дан ортиқ ана шундай лойиҳа амалга оширилди. Бугунги кунда 20 та лойиҳа ҳаётта жорий этилмоқда.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон – Словакия ва Ўзбекистон – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти шаклидаги ҳамкорлик механизмининг мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солишга таяёр эканлигини билдирди.

Ф.ХОННАЗАРОВ

КЎРГАЗМА ИККИ ДАВЛАТ ТАДБИРКОРЛАРИНИ БИРЛАШТИРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўرғазма иштирокчиларидан яна бири пойтахтимиздаги Божхона брокерлар уюшмасидир. Уюшманинг айна кунда 80 дан ортиқ Божхона брокерлар фирмаси-аъзоси бўлиб, у тадбиркорларга божхона хизматларини кўрсатиш билан шуғулланади.

Божхона брокерлар уюшмаси раиси ўринбосари Энвер Халиловнинг маълумот беришича, бугунги кунда мамлакатимизда 600 га яқин ана шундай ташкилотлар фаолият кўрсатади. Маъмурият ҳам улардан бири сифатида тадбиркорлар маҳсулотларини экспорт қилиш жараёнида божхона хизмати талабларига доир ҳужжатлар билан ишлаш бўйича хизматларни амалга оширади. У транспорт-логистика масалаларида ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларига қўмак бериб келмоқда. Уюшма тадбиркорлар учун ўқувлар ташкил этади. Шу билан бирга, маъмурият ташкилот Тожикистон, Қирғизистон ва Тожикистондан айнан шу йўналиш бўйича фаолият юри-таётган уюшмалар билан алоқалар ўрнатган.

Маҳсулотларимизнинг Россия ва МДҲ мамлакатларида ўз харидорлари бор, — деди Чуваш Республикасидаги "Здоровая Еда" масъулияти чекланган жамияти иж-рочи директори Ирина Колесникова. — Корхонамиз қури-тилган мевалар, фойдали гиёҳлардан тайёрланган чой-лар, тез тайёр бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари иш-лаб чиқаради. Ортингизда ўтказилаётган кўрғазмада би-ринчи бор қатнашяпмиз. Ниятимиз бу ерда ҳам ўз ҳам-корларимиз ва харидорларимизни топишди.

Кўрғазма доирасида "Ўзбекистон – Россия кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамкорлиги: муаммо ва истиқ-боллар" мавзусида амалий конференция ва бизнес субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича му-ҳокамалар бўлиб ўтди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

ИЮНДА МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ЎҚУВИ БОШЛАНАДИ

Бу ўқувлар олдидан Тошкентда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар кўмағида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда маҳалла раисларини тизимдаги янгиликлар, қонунчи-ликдаги ўзгаришлар, жиноятчиликнинг олдини олиш, бандлик-қа кўмаклашиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш асослари ҳақида муфассал баҳардор қилувчи мутахас-сисларнинг ўзлари малака оширди.

Президентимизнинг жорий йил 2 апрелдаги "Аҳоли муам-молари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доира-сида амалий саъй-ҳаракатлар бошланган. Мақсад – фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самара-дорлигини янада ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш.

Июнь ойида яқинда сайланган фуқаролар йиғинлари раис-лари учун минтақавий ўқувларни ташкил этиш орқали улар-нинг ижтимоий-сиёсий билими, раҳбарлик қўнига ва мала-касини оширишга, маҳалладаги муаммоларга энчм топишда фуқаролар йиғинининг ролини мустаҳкамлашга қўмаклаши-лади. Бу эса қўриқда таъкидланган мақсадга эришишда му-ҳим омилдир.

Ўқув-семинарда мутахассислар маҳалла раисларининг ма-лакасини ошириш бўйича тайёрланган ўқув режа ва дасту-рларнинг ўзига хос жиҳатлари, замонавий тренинг техноло-гиялари билан танишди. Икки ҳафталик минтақавий ўқувларда фойдаланиш учун маъруза тезислари, услубий қўлланмалар ҳамда видео дарсларини намуналари билан таъминланди.

ЎЗА

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз тараққийнинг бугунги босқичида халқимиз, айниқса ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, янги авлодни ҳар томонлама кенг дунёқараш ва юксак тафаккурга эга бўлишига эришиши борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.



Маънавият

КИТОБ – БИЛИМ МАНБАИ

Пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда айни кунларда “Болага китоб совға қилинг!” шiori остида хайрия акцияси бир қанча ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилди.

Мактаб ўқувчилари иштирокида дилрабо куй ва кўшиқлар, театрлаштирилган сахна кўринишлари ва қизиқарли томошалар намойиши ҳам барчага бирдай манзур бўлди.

Республика Гематология ва қон қўйиш илмий тадқиқот институти томонидан мазкур мактаб ўқувчиларига бадиий ва турли мавзулардаги маънавий-маърифий китоб тўпламлари топшириш маросими ҳам айнан “Болага китоб совға қилинг!” шiori остида ўтказилди.

– Инсон қанчалик кўп китоб ўқиса, маънавияти шунчалар кўп юксалади, ақл-идроки, онги ва шури тиниклашади, – дейди Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Дилором Исҳоқова. – Китоблар ёшларнинг маънавий

олами юксалтиришга, қалбида она Ватанга бўлган садоқатни кучайтиришга, меҳру муҳаббат ва инсонийлик туйғуларининг янада ошишига, ўқиб, излашишга, ҳалол меҳнат қилишга ва энг асосийси ҳаётнинг қадрига етишга қорлайди. Шу билан бирга келажак авлодда ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, ҳалоллик ва тўғрилик каби инсоний фазилатларини камол топтиришга хизмат қилади.

Тадбир доирасида мактаб жамоаси томонидан тайёрланган кўргазмали чиқишлар ва элимиз севган санъаткорларнинг маданий дастурлари иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

Дарҳақиқат, китоблар инсон тафаккурини юксалтиришда, унинг ички дунёсини эзгулик, яхшилик туйғулари билан чамбарчас боғлашда энг гўзал воситадир. Шундай экан бу каби тадбирларнинг ўтказилиб борилиши нафақат ёшларда балки барчанмизда китобхонлик ва китобга бўлган муҳаббатнинг ортисида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Ўқув йили якунланиши арафасида айрим мактабларда “синф фонди, мактаб ремонтига” деб пул йиғди-йиғдилар бошланади. Буни ота-оналар қўмитаси синф раҳбари билан келишган ҳолда амалга оширар эмиш. Бу қанчалик тўғри?

Бу саволга пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтказилган “2018-2019 ўқув йили якунлари ва истиқболдаги устувор вазибалар” мавзусидаги матбуот анжуманида масъул мутахассислар жавоб берди.

– Таълим муассасаларида ҳар қандай пул йиғимлар ноқонуний бўлиб, бу тақиқланади, – дейди халқ таълими вазирилик бошқарма бошлиғи Эркин Муродов. – Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун қузатув кенгашилари ташкил этилган. Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири ноқонуний пул йиғимларининг олдини олишдир. Синфхоналарни таъмирлаш ёки ўқув йили якунида бошқа мақсадларда ўқувчилардан пул йиғиш асоссиз. Қайсида мактабда бундай ҳолат аниқланса, қонун доирасида тегишли чора кўрилади. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда ота-оналардан ҳам амалий ёрдам кутиб қоламиз.

ган шаходатнома ва аттестатнинг орқа қисмида QR-код жойлаштирилади. Бу кодни сканер қилиш орқали битирувчи ҳақида умумий базадан маълумот олиш мумкин бўлади.

Шу кунга қадар шаходатнома ва аттестатга битирувчининг фамилияси, исми, битириган мактаби, ўқиган фанлари бўйича ўзлаштирилган баҳолари рўқанда (қўлда) фақат ўзбек тилида ёзилган бўлса, бундан кейин компьютерда учта тилда (ўзбек, рус, инглиз) ёзилиб, махсус принтерда чоп этиш режалаштирилмоқда. Бу ўз навбатида, битирувчилар

ташкил этилади. Улардан болалар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун бепул фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, пойтахтимиздаги 65 та мактабда бепул тўғрақлар ташкил этилмоқда. Ота-оналар фарзандини тўғрақларда ўзи истомкат қилаётган ҳудуд яқинидаги мактабда ташкил этилган бепул тўғрақка жалб қилиши мумкин. Тез орада вазирилик сайтида ана шу 65 мактаб рўйхати эълон қилинади.

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида касблар рўйхати яна 26 тага кўпаяди
Умумий ўрта таълим муассасалари 10-11-

СИНФ ФОНДИ, МАКТАБ РЕМОНТИГА ПУЛ ЙИҒИШ ТАҚИҚЛАНАДИ. ЛЕКИН...

хорижий таълим муассасаларига ҳужжат топширишда янада қулайлик яратди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 февралдаги “Умумий ўрта таълим муассасалари ва академик лицейларнинг иктидорли битирувчиларини рағбатлантириши янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, битирувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳақида уларни рағбатлантириш мақсадида олтин ва кумуш медаллар билан тақдирлаш тизими жорий этилди. Хозирги кунда бу медалларга номзод ўқувчилар сони 5 минг 638ни ташкил этмоқда.

Тўғрақлар мажбурий эмас, ихтиёрий
Матбуот анжуманида ўқувчилар ёзги таътилда мажбурий равишда тўғрақларга жалб қилинаётгани ва бунинг учун ҳар ой 300 минг сўм талаб этилаётгани қайд этилди. Лекин вазирилик мутахассиси айтишича, барча тўғрақлар мажбурий эмас, аксинча ихтиёрий равишда олиб борилади. Ҳар йили мактабларда “Соғломлаштириш майдона”лари

синф ўқувчиларига касбий таълим бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан йўлга қўйилган.

2018-2019 ўқув йилида жами 737 642 нафар 10-11-синф ўқувчисига касб-ҳунар ўғратиш учун 1 минг 748 та ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилди. Бугунги кунда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўқувчиларга 51 та касб ўргатишмоқда. Ўқув йили якунида дастурларда белгиланган билимларни ўзлаштирган ўқувчиларга касб малакаси дипломи берилади.

Меҳнат бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб 2019-2020 ўқув йилидан ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида яна 26 та янги касб қўшибга кенгайтириш режалаштирилган.

Вазирилик мутахассиси дарсликлар нега камлигига изоҳ берди

– Мактабларда ҳар йилги ўқувчиларнинг рўйхати қайта шакллантирилмаслиги ёки дарсликлар яроқсиз ҳолатга келиб қолгани сабабли улар етишмовчилиги юзага келиши мумкин, – деди Эркин Муродов. – Жорий йилнинг март ойида давлат бюджетидан қўшимча пул олиб, ўқитувчилар, малака ошириш институтлари ва мактаб кутубхонаси захираси учун етишмаётган дарсликларни қайтадан нашр қилдик. Шу вақтга калтаб кутубхоналарида ўқувчилар фойдаланиши учун қўшимча дарсликлар бўлмаган. Эндиликда мактаблар кутубхоначилари сентябрь ойини кутмасдан, ўқувчилар сонини ҳисобга олиб қанча дарслик кераклигини туман, вилоят ҳалқ таълими бошқармаларига мурожаат қилади ва керакли китоблар ўз вақтида етказиб берилади.

Таъкидланишича, вазирилик сайтида дарсликлардаги ҳато ва камчиликлари аниқлаш учун танлов эълон қилинган. Танлов натижалари ва мутахассислар фикрлари асосида амалда бўлган хатоликлар тузатилади. Янги нашрда ҳам хатоликлар аниқланса, нашриёт вазириликни, вазирилик нашриётни айбламаслиги учун улардан бирига жавобгарлик белгиланади.

Электрон журнал яратилиши режада бор, имкончи?
Вазирилик мутахассисларининг маълум қилишича, электрон журнал тизими жорий этилади. Бу лойиҳа Тошкент шаҳрида эксперимент шаклида ўтказилади. Агарда бу ижобий натижа берса, ушбу лойиҳа барча ҳудудларда жорий этилади. Лойиҳа қозғоқ-бозлик муаммосини камайтиришга хизмат қилади. Бу ўқитувчига қулайлик туғдириши билан бир қаторда ота-оналар фарзандининг дарсларда қатнашиши ва ўзлаштириш даражасини билиб олишига хизмат қилади. Бироқ ҳозирча чекка ҳудудларда бунга тўққилиш қилувчи омиллар бор. Ҳудудларда интернет тезлиги, мактабларда замонавий компьютерлар билан таъминланганлик даражаси каби муаммолар шулар жумласидан.

Бундан ташқари, жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ўқитувчилар ортқиқча қозғоқ-бозликдан халос этилиб, улардан фақат сифатли дарс бериш талаб этилади.

Хуршид КОДИРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Тиббиёт

МАЪРИФИЙ-ТИББИЙ МУЛОҚОТ

Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ихтирочи аёллар маркази ҳамкорлигида “MEDICALWOMENUZ” форуми ўтказилди.

Форумда юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва асрашга, миллат генотипини янада соғломлаштиришга, тиббиётга илгор инновацияларни жорий қилиш ишларини кенг қўламда изчил давом эттирилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, форумда хотин-қизларнинг тиббиёт ва фармацевтика соҳасида қўлга киритаётган ютуқларини таҳлил қилиш, соҳага доир янгиликлар, инновация техника ва технологиялардан хабардорлигини оширишга ҳаракат қилинди.

Тадбир доирасида тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги муваффақиятлар, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ва технологияларга оид кўргазма ҳам ташкил этилди.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида фундаментал, амалий, инновацион изланишлар олиб бораётган хотин-қизлар сафи ҳозирда янада кенгайиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда аёлларнинг илм-фан билан шуғулланиши учун яратилаётган кенг қамровли имкониятлардан дарак беради.

Форумда хотин-қизларнинг тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида эришаётган ютуқлари таҳлил қилинди. Соҳадаги янгиликлар, инновацион техника ва технологиялар самарадорлигини бундан ошириш масалалари муҳожама қилинди.

Мулоҳазали, қизгин фикрлар ва таҳлилий мунозараларга бой тадбир иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

Зилола МАҲАММАДЖОНОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультети 3-босқич талабаси

УМРБОҚИЙ МЕРОСИ АСРАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон маданий-маънавий мероси бойлиги, қадимий ва бетакорлиги билан жаҳоннинг етакчи давлатлари қаторига қиради. Бу бебаҳо бойлиқни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, кенг миқёсда тарғиб қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган “Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази тақдиротига бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз юритилди, дея хабар беради ЎЗА.

“Умрбоқий мерос” маркази директори Л.Мирзаева, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раисининг ўринбосари Н.Алимов ва бошқалар мамлакатимизда миллий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг мазмун-моҳиятидан ёшлар маънавиятини юксалтиришда кенг фойдаланиш масаласига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш-

та муҳим ташаббуснинг ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб қилиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, китобхонликни ривожлантириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга оид йўналишлари мазкур марказ фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган.

“Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғиботи маркази 2019 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликда давлат рўйхатидан ўтказилган. Марказнинг асосий вазифаси юртимиз санъати ва маданиятини, урф-одатлар, миллий қадриятлар ва аёнана-ларини кенг тарғиб этишдан иборат. Шунингдек, номоддий маданий меросимизни

муҳофаза қилиш, сақлаш, амалий ва тасвирий санъатни, халқ оғзаки ижоди, этнография, санъатшунослик, ўзбек миллий мусиқа ва мақом санъатини ўрганиш, салохиятини ошириш, тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Таъкидланишича, марказ яқинда фаолият бошлаган бўлса-да, салмоқли ишларни амалга оширишга улгурди. Улардан бири Ўзбекистон кашталарини ЮНЕСКОнинг “Инсоният номоддий маданий мероси” репрезентатив рўйхатига киритиш тақлифи билан чиққандир.

Анжуман доирасида миллий аёнана ва қадриятларимиз, халқ амалий санъати ва ҳунармандчиликка оид кўргазма ташкил этилди.

Н.УСМОНОВА

“ҲАР КИМИ МЕНИ СЎРСА, САЛОМИМНИ ДЕГИЛ”

Ҳар йили навоийхонлик байрами пойтахтимиздаги Адиблар хиёбони тўрида салобат тўкиб турган муаззам Ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойидан бошланади ва тантаналар юртимиз бўйлаб давом этади. Шундай шуқуҳли кунларда бобурхонлик байрами ҳам айнан Адиблар хиёбонидан бошланишини орзу қиламан.

Қанийди, халқимизнинг атоқли фарзанди, давлат арбоби ва шоири Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз шарафига қўйиладиган монументал санъат асари тезроқ Адиблар хиёбонидан ўзининг муносиб ўрнини эгалласа! Шунда ҳар йили 14 февраль – Бобур Мирзо таваллуд кунинда бобурхонлик байрами шу қутлуғ ёдгорлик пойидан бошланарди.

Аслида, буюк ватандошимиз Тошкент шаҳрини ўз уйидек кўрадиган, Чунки Бобур Мирзонинг онаси Қутлук Нигорхоним ва маънавий пирустози Хожа Аҳрор Валий тошкентлик бўлишган. Шу боис Бобур Мирзо Тошкентга ўзгача меҳр билан қараганлар ва шаҳарни тавоф этишга интиқлик билан интиланганлар. Бу ҳақда “Бобурнома”да соғинчли ва ҳароратли битиклар бор: “Тошкандга хон қошига бордим. Шохбегимни ва уруғ-қаёшини ҳам етти-саккиз йил бор эди, кўрмайдур эдим, бу баҳона била алар ҳам кўрулди”, “Хон додамга кўрунуш қилиб, Шохбегим қошига келур эдим. Ўз уйимдек бош яланг, оёқ яланг қирай эдим”. Асарда адабиётшунослар учун қимматли маълумот келтирилган: “Хон қошига, Тошкандга бордим. Бу рубоийни айтиб эдим, маъмул қофиясида тараддумим бор эди, ул маҳалда шеър мусталақотиға мунча татаб-буъ қилмайдур эдим, хон хуштабё киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлик ғазали камроқ эди, бу рубоийни хонга ўтқариб, тараддумимни арз қилдим. Кўнгул тингудек шофий жавоб топмадим. Фолибо шеър мусталақотиға камроқ татаббуъ қилгондурлар. Рубоий будур:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.
Кўнгулм бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши”.

Агар Бобур Мирзонинг биринчи девони Ко-булда 1518-1519 йилларда тартибланганини эсга олсак, 1501-1502 йилларга бағишланган хотиранинг қиммати янада ошади. Демак, Бобур Мирзо юқорида келтирилган машҳур рубоийсини ўз уйидек кўрадиган Тошкентда ёзганлар.

Бобур Мирзо хасталикка чалинганда ўзи эътиқод қўйган Хожа Аҳрор Валий руҳидан наҳот тилаб, ихлос билан унинг насрда битилган “Волидия” асарини шеърый таржима қилади ва соғаяди. “Бобурнома”нинг 1528 йилга бағишланган хотирасида бу шундай йфодаланган: “Одина куни ойнинг йигирма учиде ҳарорате баданимда зоҳир бўлди. Андоққим, жумъа намозини масжидта ташвиш била ўтадим. Намози пешин эҳтиётини келиб, китобхонада бир замондин сўнг машаққат била ўтадим. Индини яқшабна куни иситиб, озорқ титрадим. Сешанба куни сафар ойининг йигирма еттисиде ҳазрати Хожа Убайдуллонинг “Волидия” рисоласини назм қилмоқ хотирамга кечти. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнгулмга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ неқуқким, соҳибни “Қасидаи Бурда”нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлиж маразидин халос бўлди, мен доғи бу оризидан қутулуб, назимининг қабулига далиле бўлғусидур... Тенгри инояти била, ҳазратнинг ҳимматидин, панжшанба куни ойнинг йигирма тўққузиде андак афсурда бўлди, ўзга бу оризидан халос бўлдум. Шанба куни рабиул-аввал ойининг секкизида рисола сўзларини назм қилмоғ ихтимомоғиға етти”. Ҳайратланарлиси, Бобур Мирзо оғир хаста ва давлат ишлари билан банд бўлишларига қарамай ўн кун ичида “Волидия”ни назмий таржима қилганлар.

Бу дунёда қомусий асар дея баҳоланадиган “Бобурнома”ни ҳам, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ҳам етарли даражада ўрганмаётганимизни, ўргатмаётганимизни билдирмайдими?

Дунё кенг, мамлакатлар кўп, лекин Ўзбекистон ягона! Ўзбекистон Бобур Мирзонинг ҳам ватани. Халқимизнинг буюк фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ўз уйидек бўлган Тошкентда ҳайкал қўймасак, ўзга мамлакатлар пойтахтларида бобомизга ҳайкал қўйишадими? Дунёдаги энг нодир қомусий асарлардан бири ҳисобланадиган “Бобурнома” асарини ўзимиз ўқимасак, ўзгаларга бу асарни ўқинган деб айта оламизми? Биз Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодини ўрганишда, унинг хайрли ишларини тарғиб этишда бутун дунёда етакчи бўлишимиз керак.

Эй ел, бориб ахборқа, номимни деги,
Ҳар ким мени билса, бу каломимни деги,
Мендин демагил гар унутулган бўлсам,
Ҳар кимки мени сўрса, саломимни деги.
Яъни, юртимиздаги ёш авлодларга ва барча мамлакатларга Бобур Мирзо бобомизнинг саломини етказиш бизнинг вазифамиз. Бу яшаётган давримиз ва келгуси авлодлар олдидаги шарафли бурчимиздир.

Асрор МҰМИН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ёшлар – келажак эгалари, уларни қўллаб-қувватлаш тараққиётни қўллаб-қувватлаш демакдир. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ниҳоятда муҳим.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Хунарманда" уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Давлат солиқ ва шаҳар Бандлик бош бошқармалари билан ҳамкорликда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси аллеясида "Ёшлар – келажакимиз!" шиори остида ёш тадбиркорларнинг кўргазма савдоси ва меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

— Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Акмал Жумабоев. — Ёшлар масаласи давлат сёвсати даражасига кўтарилди, уларни юксак маънавийлик, зукко, билимдон, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир авлод сифатида вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Ички бозорни рақобатбардosh ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда аҳоли, авваломбор, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигини ошириш



БАРЧА ШАРОИТ ВА ИМКОНияТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

да айна тадбиркорликни тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан биридир. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида доимий аҳоли сони 2,5 миллиондан зиёд. Улардан 1,1 миллион нафарини иш билан банд аҳоли, қарийб 99 мингини ишсизлар, 90 мингдан ортиқ нафарини меҳнат мигрантлар ташкил этади. Деярли 39 минг киши жорий йилда меҳнат бозорига биринчи марта кириб келган ёшлар ҳисобланади. Кўрсаткичларга кўра ишсизлик даражаси 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртаси-

да 14,7 фоизга тенг. Аниқ қилиб айтидиган бўлсак, Тошкентда айна дамда 1996 нафар ёш ишга муҳтож. "Ёшлар – келажакимиз!" шиори остидаги ёш тадбиркорларнинг кўргазма савдоси ва меҳнат ярмаркасида кўзланган мақсад юқорида келтириб ўтган ишсиз ёшларни камида 10 фоизини иш билан таъминлаш. Кўргазмада 115 нафар ёш тадбиркор, хунармандалар маҳсулотлари кўргазмалари ва корхона-ташкilotлар бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Тадбир ёшлар тадбиркорлигини ривожлан-

тириш, хусусан, ёш тадбиркор ҳамда хунармандалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўргазма савдолари, ишлаб чиқариш корхоналари учун технологиялар кўргазмаларини намойиш қилиш мақсадида ташкил этилди. Ушбу кўргазма ҳудудий ривожланишга, ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамланишига, ёш хунармандалар ҳамда тадбиркорларнинг фаолиятини янада кенгайтиришга замин яратиши шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА

Божхона ходимлари сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товар моддий бойликларининг божхона чегараларидан ноқонуний олиб ўтилишига доир навбатдаги божхона қондабузарликларни фoш қилишди.

Қилмиш – қидирмиш

ПОЕЗДАДА ТУЗИЛГАН РЕЖА АМАЛГА ОШМАДИ

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси, "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари "Уфа-Тошкент" йўналишида кириб келган поезд йўловчиларининг юқларини божхона кўригидан ўтказиш давомида фуқаро К.Ш. 26 тўлмам тиббий ускуналар, 100 қўти тамаки маҳсулотлари ва оғирлиги 1,3 килограммдан кўпроқ 260 дона оқ металлдан ясалган турли тақинчоқларни божхона назоратидан яшириб, олиб келаватганлиги маълум бўлди. Олинган ашёвий далилларнинг умумий қиймати салкам 85 миллион сўмини ташкил этади.

Мазкур поездда мамлакатимизга кириб келаватган яна бир фуқаро Х.Ф. белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилди. Натихада ушбу шахс умумий қиймати 2,5 миллион сўмлик 11 литр алкоголь маҳсулотларини божхона назоратига маълум қилмасдан олиб киришга уринганлиги аниқланди.

Шунингдек, "Алмата-Нукус" йўналишида кириб келган поезд йўловчиларидан фуқаролар С.Т. ва Т.О. томонидан божхона декларациясида кўрсатмасдан умумий қиймати 20,6 миллион сўмлик 41 дона телефон, 190 дона кийим-кечак, сифати кафолатланмаган косметика воситалари ва ҳўжалик молларини олиб келаватганида тўхтатиб қолинди.

Хозирда юқоридаги ҳолатлар бўйича текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент педиатрия-тиббий институти қошидаги 2-сонли академик лицейи томонидан 2010 йилда Жураев Икром Абдумаликович номига берилган Л. № 095535 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Тинчлик 5-тор кўчаси, 66-уй учун Расулов Ахмад Шовкат ўғлига берилган кадастр ҳўжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан 22.01.2015 йилда № 008052-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "TURON CAPITAL QURILISH" ХК (СТIP 303172014) таъсисчининг 15.04.2019 йилдаги қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида куйдаги +99897 744-42-55 телефон орқали қабул қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДК томонидан МЧЖ қошидаги Муниципал активларни бошқариш маркази номига Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй ва Мирзо Улуғбек тумани, Окўўрғон 6-тор кўчаси, 146-уй жойлашган нотурар жойлар учун берилган № 10:09:05:02:02:0002 рақамли ва 10:09:01:01:03:0047-кадастр ҳўжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

XXI асрнинг дастлабки йиллари илм-фан ва техника ривожининг шиддатли тус олгани, ахборот алмашинуви тизимининг тубдан тақомиллашгани билан инсоният тарихида ўзига хос давр бўлди. Бу даврда қўллаб ижобий ўзгаришлар билан бирга, жиноятларнинг ортиши ҳам кузатилмоқда.

Жамият ихтимой ҳаётида энг долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланувчи жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш давлатлар сёвсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, шу тўғайли давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш йўлидаги халқаро қўламадаги ҳамкорлиги трансчегаравий жиноятчиликка жавобан қатъий ва қўчи зарба бўлади. Дунё мамлакатларининг барқарорлиги, тинчлиги ва илғор тараққиётини таъминлаш фақатгина барча давлатларнинг келишган ҳолдаги, биргаликдаги ҳаракатлари орқали амалга оширилиши мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси жиноятчиликка қарши курашда қўллаб давлатлар билан ҳамкорлик қилиб, халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик давлатлар ўртасида имзоланган қатор ҳўқуқий ҳўжатлар билан тартибга солинади. Улар орасида 1993 йил 22 январда Минскда имзоланган Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳўқуқий ёрдам ва ҳўқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция аса уни имзолаган ва кейинчилик унга қўшилган (Ўзбекистон 1993 йил 6 майда ратификация қилган) давлатлар ўртасидаги муносабатлари жумладан, жиноят ишларини юриштидаги ҳамкорлигини тартибга солади.

Давлатлар ўртасида жиноят ишларини юриштидаги ҳамкорлик турли йўналишларда амалга оширилиб, улардан бири шахсни жинойий жавобгарликка тортиш учун бошқа сўраётган давлатга ушлаб бериш – бу халқаро шартнома ва умумэтироф этилган халқаро ҳўқуқнинг меъёрилари ва қоидалари, халқаро ҳўқуқий ёрдам кўрсатиш тамойилларига асосланиб, жиноят содир этган шахсни талаб қилаётган давлатга ёки ўз фуқароси бўлган давлат ҳудудига жинойий жавобгарликка тортиш ёки ҳўқуқини ижро этиш, ушлаб бериш учун айбланувчини ёки маҳкумини топшириш жараёни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бўлган шахсни жинойий жавобгарликка тортиш ёки ҳўқуқ ижро этиш учун ушлаб бериш (экстрадиция қилиш) тўғрисида сўров Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки ўзаролик принципи асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органидан ушлаб берилиши сўралаётган шахс айбланувчи, судланувчи ёки маҳкум мақомида бўлиши керак. Жиноят ишида жабрланувчининг, гувоҳнинг, экспертнинг, фуқаровий давъогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг ва уларни вакилларининг реал иштирокини таъминлаш мақсадида уларни ушлаб бериш тўғрисида хорижий давлатдан сўровнома юборилмайди, юборилган тахрирда ҳам ижро этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида хорижий давлатнинг ваколатли органидан тегишли тарзда расмийлаштирилган сўров олинганда ва мазкур шахсни ушлаб бериш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ушбу шахс ушлаб турилиши ва унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси бўлган шахсни жавобгарликдан яширинишининг олдини олиш мақсадида хорижий давлатнинг ваколатли органи ушлаб бериш тўғрисида сўровни жўнатилган олдин мазкур шахсни ушлаб турилиши ёки (ва) қамоққа олиниши хусусида ҳам сўраши мумкин. Ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга илова қилинадиган маълумотларни тайёрлашга ёки мазкур сўров юбориши, олиш ва ижро этиш масаласи ҳал қилингунга қадар шахсининг яшириниши ва бошқа эҳтимоллар мавжудлиги учун ушлаб берилиши сўралишини қўзланаётган шахсни ушлаб туриш ёки қамоққа олиш хусусида хорижий давлат тарафидан ташаббус қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бўлган шахсни ушлаб туриш ёки қамоққа олиш хусусида илтимосномада хорижий давлат ваколатли органининг ушбу шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги қарори ёки қонуний қўча кирган ҳўқуқ илова қилинади, шунингдек, мазкур шахсни ушлаб бериш тўғрисида сўров қўшимча равишда тақдим этилиши кўрсатилиши керак. Шахсни қамоққа олиш тўғрисидаги илтимоснома ушлаб бериш тўғрисидаги сўров юборилгунга қадар почта, телеграф, факс ёки бошқа алоқа воситалари орқали етказилиши мумкин.

ЎзР ЖКнинг 12-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти бошқа давлат ҳудудида содир этган жиноятга учун ўша давлат судининг ҳўқуқи билан жазоланган бўлмасалар, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилдилар. Бундай шахслар ушлаб берилиши мумкин эмас. Уларга нисбатан хорижий давлатдан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида сўров олинмасда, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида жиноят иши қўзғатилиши ва ушлаб турилиши мумкин. Аммо чет эл фуқароси ёки чет элда доимий яшайдиган фуқаролиги йўқ шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида содир қилган жиноятлари учун Ўзбекистон Республикаси томонидан жавобгарликка тортилмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган чет эл фуқаросининг ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги йўқ шахсининг илғори хорижий мамлакат ҳудудида ушлаб беришга сабаб бўладиган жиноятни содир этганида гумон қилиш учун асослар мавжуд бўлса, мазкур шахсни ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки ушлаб бериш тўғрисида сўровлар (илтимосномалар) мавжуд бўлмасда, етмиш икки соатга ушлаб турилиши мумкин.

Шахс ушланганидан кейин ички ишлар органларининг ёки бошқа суриштирув органларининг ходимлари олинган материалларни прокуратурага тақдим этади, у материалларни ўрганиб чиқади ва ушлаб турилган шахсининг қидирув эълон қилинган шахс эканлиги тўғрисида етарли асослар мавжуд бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериши рад қилиш асослари мавжуд бўлмаган тақдирда, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни судга юборади.

Хорижий мамлакатдан келиб тушган сўров ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахс қамоққа олиналгани хусусида сўров юборган хорижий давлатнинг ваколатли органини дарҳол ёзма равишда хабардор қилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоққа сақлаб туриш муддатини ўзайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳўжатлари ва халқаро шартномалари талабларига риоя этилганлигини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушлаб бериладиган шахсни топшириш жойи, санаси ва вақти ҳақида хорижий давлатнинг ваколатли органини ёзма равишда хабардор қилади. Агар мазкур шахс топшириш учун белгиланган кундан эътиборан ўн беш сутка ичида қабул қилиб олинмаса, у қамоқдан озод қилинади. Хорижий давлатларнинг ваколатли органини ушлаб берилиши лозим бўлган шахсни ўзига боғирлиқда қўзғатиш тўғрисида сўров юборган давлатнинг ваколатли органини ёзма равишда хабардор қилган тақдирда топшириш санаси қўчирилиши мумкин.

Шахсни жинойий жавобгарликка тортиш учун бошқа (сўраётган) давлатга ушлаб бериш – жиноят жараёни вазифаларини бажариш каби қонунда акс эттирилган ҳўқуқий воситалар орасида муҳим ўрин тутди. Бу жараён, шахсни бошқа давлатга ушлаб бериш асослари ва шартлари бор-йўқлигини аниқлаш, унга нисбатан қамоққа олиш чорасини қўллаш-қўлламаслик масаласини ҳал қилишда нафақат зарурий шароитларни яратди, у ёта самарали ҳамдир. Жиноят содир этиб, ўз вақтида ушланмаган шахс дастлабки тергов ва суддан бўйин товлаб, жинойий жавобгарлик ва жазодан қўчиб, хорижий давлат ҳудудида қўчиб кетган шахсларни чет эл давлатидан ушлаб берилиши сўраш юқоридаги каби бир қанча мураккаб ҳолатларни талаб қилади.

Ушлаб бериш бошқа давлат ёки ўз давлати фуқаролигида бўлган шахс дахлсизлигига бевоқолат таъсир қилувчи чора бўлганлиги учун алоҳида назоратга молик ҳисобланади. Давлатларнинг ички ва халқаро ҳўқуқий актларида шахс дахлсизлигининг кафолатлари ва асосий стандартлари, айбланувчи ва маҳкумини ушлаб берилиши сўраётган давлатда инсон ҳўқуқларини таъминлашни меъёрилар, айбсизлик презумпцияси принципи мустаҳкамлаб қўйилган бўлиши керак.

Шахло САФАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси курсанти



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Дунё – чексиз. Орзулар ундан ҳам...

Сени кўпинча сендан яхшилик кўрганлар ёмонлайдилар.

Бировни уялтириш осон, хижолатдан қутқазиб қийин.

Одамларни қоралаш – юрак-бағрин поралаш.

Маъноли суҳбат – энг таъсирчан тарбия воситаларидан бири.

Биз болалардан нақдимизни қизганмаган ҳолда вақтимизни қизғонамиз.

Чоғинг келмаган ишга уринма.

Худо икки тоифа инсонни яратган: бирдан ибрат олиш учун, иккинчисига ўхшамаслик учун.

Берганини пеш қилар, Олганини унтар.

Ишонсизлик кишини адо қилади.

Ишончини йўқотган ҳамма нарсасини йўқотади.

Аҳмоқликни ҳеч нарса билан яшириб бўлмайди.

Кўрққан нарсанг кўпинча арзимас бўлиб чиқади.

Меҳнатнинг осони йўқ.

Қизикувчанлик ҳаммаша устун келади.

Ҳаётдан рози киши хуш-хурсанд юради.

Жўяли баҳона топшиш учун ҳам ақл керак.

Ўрниги билганнинг хурмати баланд.

Бахт турганда давлатни нима қилсан?

Бўлиниб кетган кучнинг баракаси бўлмайди.



да шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 14-16, кундузи – 20-22 даража илқ бўлади.

Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 24 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 24 май кунини ҳаво вақти-вақти билан ўзгарти туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Шарқдан секундида 7-12 метр тезлик-

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахриринг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@uamail.uz

Буюртма Г-546

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулда босилади. 2174 нусxada босилди.

Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Тошқариш вақти: 13.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бoш муҳаррир Акмал АҚРОМОВ